

ПЕДИАТРИЯ ОИД ТЕРМИНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАЛ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Раззақова Ойгул

ЎЗМУ лингвистика (немис тили)

Тўрақулова Сайёра

Илмий Раҳбар: Ф.Ф.др.

Мутахассислиги 2-курс Магистранти

Аннотация: Ушбу мақола ёрдамида бизлар педиатрияга оид терминларнинг назаряси ва уларнинг структур - семантик хусусиятлари морфологик таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Педиатрия, мермин, структур-сенантик, морфологик таҳлил.

Аннотация: С помощью данной статьи мы морфологически проанализировали теорию педиатрических терминов и их структурно-семантические особенности.

Ключевые слова: педиатрия, мермин, структурно-сенантический, морфологический анализ.

Abstract: With the help of this article, we have morphologically analyzed the theory of pediatric terms and their structural-semantic features.

Key words: Pediatrics, mermin, structural-senantic, morphological analysis.

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замонамизда ҳар қандай соҳада мунтазам ривожланишларни кузатишимиз мумкин. Педиатрия фани ҳам шиддат билан ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб дунё халқларининг ҳаммиша диққат марказида бўлиб келган. Биламизки, Педиатрия соҳаси ўз ичига бир нечта терминларни қамраб олган. Термин тушунчаси кенг қамровли тушунчалардан бири бўлиб, ҳозирги кунда терминлаф асосан структур - семантик жиҳатдан бир нечта олимлар тамонидан кўриб чиқилмоқда. Терминлар ҳам бошқа сўзлар каби, грамматик қурилишдек тил қонунларига бўйсунди. Терминнинг семантик ясалиши эса сўзнинг шаклини ўзгартирмайди, аммо унинг маъноси ёки вазифасини таҳлил қилади. Терминлар ва умумистеъмол сўзлар бир бирига ўтиш хусусиятига эга. Кенг қўлланиладиган махсус терминлар аста секин кундалик ҳаётда илдиз отиш ва кундалик тилнинг элементи бўлиб қолиш хусусиятига эга, (масалан, истма, грипп). Тиббий терминларга Ф.Х.Қосимова “тиббиёт соҳасининг номенклатурасини ўзида мужассамлаштирган сўз ва сўз бирикмаси, табобат оламининг барча “қирра”ларини намоён қилувчи восита ва илмий техникавий соҳа бирликлари ичида энг бой ҳамда ўз ўрнида мураккаб терминологик тизим” сифатида қарайди [1].

Тиббиёт терминларини ҳам қўлланилишига қараб бир нечта йўналишига ажратишимиз мумкин, масалан, (педиатрия соҳасида қўлланиладиган терминлар, стаматология, кардиология соҳасига ва бошқалар. Педиатрия соҳасида қўлланиладиган терминларга тўхталиб ўтишдан олдин педиатрия сўзи маъносига

қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу сўз (юнонча: паис — бола ва иатриа — даволаш) — бола организмнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, болалар касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва пайдо бўлувчи касалликларнинг олдини олиш механизмларини ўрганади. Бундан ташқари касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш усулларини ишлаб чиқади [2].

Замонавий тиббиёт терминологияси энг мураккаб терминологик тизимлардан биридир. Олимлар тамонидан нафақат тиббиёт терминлари балки терминларнинг структур семантикасининг ўрганиш даражаси ҳам алоҳида қизиқишларга сабаб бўлган. Олимлар тамонидан терминлар структураси ўрганилганда терминларни тўрт гуруҳга ажратган холда ўрганишган яъни;

- Содда терминлар.
- Ясама терминлар.
- Қўшма терминлар.
- Бирикмали терминлар.

1. Содда терминлар

Масалан: Masern (Қизамиқ)- иситма ва одатдаги тери тошмаси билан нафас йўллариининг инфекция билан касалланишидир .

Röteln (қизилча) - одатда қизил тошма, кўпинча иситма ва лимфа безлари шишиш жараёнидир.

Rachitis (Рахит) – касаллик давомида суяк тўқимаси ва тишлар ҳосил бўлиши жараёни бузилади, шунингдек суяк минерализацияси етишмовчилиги ривожланади.

2. Ясама терминлар

Масалан: Einlauf (Klizma) термини ein олд қўшимчаси ва laufen "югурмоқ" сўзларидан келиб чиққан.

3. Бирикмали терминлар

Масалан: Weiße Blutkörperchen термини weisse "ок" ва Blutkörperchen " қон ҳужайралари " сўзларидан келиб чиққан [3].

4. Қўшма терминлар

Масалан: Blutarmut – бу термин (камқонлик) маъносини билдириб от + от компонентларидан ташкил топган бўълиб Blut (қон) Armut (камбағаллик) сўзларидан ташкил топган. маъносини билдириб от + от (N+N) сўз туркумларидан ташкил топиб иккита отдан иборат. Blut (қон), Armut Армут (камбағаллик) маъносини англатиб келади. Биринчи отимиз das Blut (келишик категориясига кўра) бош келишик, (маъно жиҳатдан) турдош от, (қандай тушунчани ифодалашига кўра) аниқ от, (сон категориясига кўра) бирлик, (тузилиш жиҳатидан) содда от. Иккинчи отимиз, die Armut (келишик категориясига кўра) бош келишик, (сон категориясига кўра)бирлик, (маъно жиҳатдан) турдош от, (қандай тушунчани ифодалашига кўра) мавҳум от, (тузилиш жиҳатидан) ясама от. Арм (камбағал) сифат сўз туркумидан от сўз туркуми ясалган яъни арм сўзига –ut қўшимчаси қўшилиши ёрдамида дие Армут (камбағаллик) от сўз туркуми ясалган.

Gelbsucht термини гепатит маъносини билдириб сифат + от (A+N) сўз туркумларидан ташкил топган яъни gelb (сариқ) die Sucht (қарамлик, ҳаддан ташқари мойиллик) маъносини англатиб келади. Биринчи сўзимиз gelb сифат сўз туркимига оид (маъно груҳига кўра) ранг-тус, (тузилишига кўра) содда, (даража категориясига кўра) оддий. Иккинчи отимиз die Sucht (келишик категориясига кўра) бош келишик, (сон категориясига кўра) бирлик, (маъно жиҳатдан) турдош от, (қандай тушунчани ифодалашига кўра) аниқ от, (тузилиш жиҳатидан) содда от.

Keuchhusten термини кўк йўтал маъносини билдириб от + феъл (N+V) сўз туркумларидан ташкил топган яъни der Keuch (шилимшиқ), husten (йўталмоқ) маъносини англатиб келади. Биринчи отимиз der Keuch (келишик категориясига кўра) бош келишик, (сон категориясига кўра) бирлик, (маъно жиҳатдан) турдош от, (қандай тушунчани ифодалашига кўра) аниқ от, (тузилиш жиҳатидан) содда от. Иккинчи компонентимиз husten сўзи феъл сўз туркимига оид ва феъллимиз инфинитиве шаклда қўлланилган.

Хулоса ўрнида шуни айтишим мумкинки, фанда терминларнинг грамматик структурасига бағишланган кўплаб ишлар амалга оширилган. Уларда терминларнинг ясалиш хусусиятлари, сўз туркумларига муносабати, морфем таркиби, сўз грамматик шаклланишдаги ўзига хосликлари ўрганилган. Бироқ, тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, кўпчилик терминларнинг от сўз туркумига мансублигини кузатишимиз мумкин. Терминларни асосан структур – семантик жиҳатини таҳлил қилиш жараёнида аниқ бўлдики, терминлар асосан от сўз туркимидан ташкил топган бўлиб, қўшма терминларни компонентларга ажратиш жараёнида ҳам асосан терминларнинг от+от сўз туркимидан иборат эканлигини аниқладик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати;

1. Акбарходжаева Ф.А. Requirements for adopted terms in the field of medicine // International Scientific Journal ISJ Theoretical & APPLIED Science. – Philadelphia, USA, 2021. – № 09, Volume 101.
2. Қориҳўжаев Б. Болалар касалликлари ва пропедевтикаси. Тошкент, 2006.
3. Herbert Renz-Polster, Nicole Menche, Arne Schäffler: Gesundheit für Kinder: Kinderkrankheiten verhüten, erkennen, behandeln., Verlag Kösel, 2004.
4. Peter Dilg, Guido Jüttner: Pharmazeutische Terminologie. Die Fachsprache des Apothekers. Frankfurt am Main 1972.